



# O'zbekiston ovozi

№ 14  
2021-yil, 7-aprel  
Chorshanba (32.656)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta  
1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ КАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 апрель куни Корея Республикаси парламентининг Миллий Ассамблея Спикери Пак Бен Сок бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.

Делегация таркибида мамлакатимизга спикердан ташқари Жанубий Корея парламентининг давлат бошқаруви, молиявий сиёсат, саноат, савдо, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, экология, соғлиқни сақлаш, меҳнат муносабатлари, маданият, спорт ва туризм каби устувор йўналишлар бўйича кўмиталарига аъзо 6 нафар депутат ҳам келган.

Сўхбат чоғида икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги дўстлик ва алоҳида стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда парламентлар муҳим ўрин тутаятгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари фаол алмашинувлар давом этаётгани, кенг қўламли Ўзбекистон – Корея ҳамкорлиги жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди. Жорий йил бошида икки мамлакат етакчиларининг онлайн-саммити муваффақиятли ўтказилди.

Пак Бен Сок самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Президентига Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Учрашувда глобал иқтисодий вазият мураккаб бўлиб турган бир пайтда ўзаро савдо ҳажми сақлаб қолганига эришилаётгани таъкидланди. Кореянинг етакчи компания ва банклари иштирокида умумий қиймати 3 миллиард доллардан зиёд янги инвестиция лойиҳалари тайёрланди. Умуман, Корея Республикасининг мамлакатимизга инвестициялари ҳажми 7 миллиард доллардан ошди.

Ўзбекистонда коронавирус пандемиясига қарши курашда корейлик шериклар томонидан катта амалий кўмак кўрсатилгани учун миннатдорлик билдирилди.

Миллий Ассамблея Спикери ва депутатлари мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги фаол саъй-ҳаракатлар учун, шунингдек, Сеулнинг Корея ярим оролидаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш бора-сидаги ҳаракатлари, Янги шимоллий сиёсатни амалга ошириш доирасидаги минтақавий ташаббуслари қатъий қўллаб-қувватланаётгани учун Ўзбекистон Президентига самимий ташаккур изҳор этдилар.

"Корея Республикаси – Марказий Осиё" ҳамкорлик форуми доирасидаги яқин мулоқотни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан ва маданият, гуманитар алмашинув соҳаларидаги қўшма дастурларни амалга ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

ЎзА

## АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИДА ДИПЛОМАТИК ҚАБУЛ МАРОСИМЛАР



Амир Темур боғларида ёки бошқа меъморий иншоотларида ўша даврда илк марта ландшафт дизайни амалиётга кириб келган. Клавихо навбатма-навбат Амир Темур томонидан қурилган турли боғларда уюштирилган қабул маросимлари ҳақида мароқли ҳикоялар битиб қолдирган. Демак, Амир Темур даврида Самарқандда ўн саккизта сарой қурилган ва улар бизнинг давримизга қадар етиб келмаган.

Давоми 7-бетда. ▶

## СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ШАРАФИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИДАН МАЪЛУМКИ, МУАММОЛАРГА ДУЧ КЕЛГАН ОДАМ ҲАР КИМДАН НАЖОТ КУТАДИ, ҲАР КИМГА ИШОНГИСИ КЕЛАДИ. ҚАЙСИДИР МУТТАҲАМ БУ ВАЗИЯТДАН ФОЙДАЛАНИБ, ЎЗИНИ АВЛИЁ ҚИЛИБ КЎРСАТГИСИ КЕЛАДИ. АГАР МЕН ФАЛОН ... БЎЛСАМ, УНДАЙ ҚИЛАРДИМ, БУНДАЙ ҚИЛАРДИМ, ДЕБ ОДАМЛАРНИНГ ҚЎЙНИНИ ПУЧ ЁНҒОҚҚА ТЎЛДИРИБ, УМИДВОР ҚИЛАДИ. АСЛИДА У МУАММОНИ ҲАЛ ҚИЛМОҚЧИ ЭМАС, ҲАЛ ҚИЛИШ ҚЎЛИДАН ҲАМ КЕЛМАЙДИ. ЭЧКИГА ЖОН ҚАЙҒУСИ, ҚАССОБГА ЁҒ ҚАЙҒУСИ, ДЕГАНЛАРИДЕК У ВАЗИЯТДАН ЎЗ МАҚСАДИ ЙЎЛИДА ФОЙДАЛАНИБ ҚОЛМОҚЧИ, САФСАТА ГАПЛАР БИЛАН ОДИЙ ОДАМЛАРНИ АЛДАМОҚЧИ.

5

## ДЕПУТАТ ФИКРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари бугунги куннинг долзарб масалалари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.



Муқаддас  
ЎРОЗАЛИЕВА,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик  
палатаси  
депутати,  
ЎзХДП  
фракцияси  
аъзоси:

## ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧИЛМОҚДА

Президентимиз Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг саммитида Туркий кенгашга аъзо мамлакатлардаги муқаддас қадамжолар бўйлаб «Табаррук зиёрат» лойиҳасини амалга ошириш, шу мақсадда Зиёрат туризмни ривожлантириш дастурини қабул қилиш ташаббусини билдирди.

Фикримча, мазкур ташаббус ислом оламида беназир бўлган улғун боболаримиз мероси, буюк тарихимиз билан дунёни кенг таништириш, зиёрат туризмни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Сайёҳлар қадимий обидалар, муқаддас зиёратгоҳлар, тарихий ва маданий ёдгорликлар билан танишадилар. Бу ўз навбатида бетакрор маданиятимиз ва анъаналаримизни кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этади.



Мавжуда  
ҲАСАНОВА,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик  
палатаси  
депутати,  
ЎзХДП  
фракцияси  
аъзоси:

## ЮРТИМИЗ, ХАЛҚИМИЗГА КЎРСАТИЛГАН ҲУРМАТ

Давлатимиз раҳбари тақлифига биноан Венгрия Бош вазири Виктор Орбанининг мамлакатимизга ташрифи билан боғлиқ ахборотларни телевидение орқали кузатиб борар эканман, жаноб Бош вазирининг биз миллий кадриятларини ва урф-одатларини сақлаб қолган мамлакатларни қаттиқ ҳурмат қиламиз, юртингиз шундай мамлакатлардан бириндир, деган фикрлари диққатимни тортди.

Миллий кадриятларни асраш ўзликни асраш демакдир. Бугунги глобаллашув даврида бу жуда қийин масала. Миллий кадриятлар миллат тарихи, яшаш тарзи, маънавияти, маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Кейинги вақтларда мамлакатимизда миллий кадриятларга эътибор кучайди.

Буни давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Унда жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш, оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Чиндан ҳам маънавият миллий кадриятлар асосида шаклланиб, юксалади. Бу борада ҳар биримиз фаол ва ташаббускор бўлишимиз лозим.



Нигора  
ЭШМЕТОВА,  
ЎзХДП Тошкент  
шаҳар кенгаши  
раиси,  
халқ  
депутатлари  
Тошкент шаҳар  
Кенгаши  
депутати:

## ТОЗАЛИК ВА ОЗОДАЛИК – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Қишнинг қировли кунлари тугаб, илиқ кунлар бошланяпти. Кўча-кўйда ташлаб кетилган маиший чиқиндиларга кўзимиз тушади. Қиш пайтида қор тагида ётган чиқиндилар олиб кетилмаса, тозалikka қатъий риоя қилинмаса, турли касалликлар тарқалиши мумкин. Баъзида ҳатто катталарнинг ўзлари ҳам йўл четлари, дараклар тагида чиқиндиларни ташлаб кетаётганига гувоҳ бўламиз. Коронавирус ҳамон инсон саломатлигига таъсир қилаётган бир пайтда тозалик, озодалик жуда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ота-оналар, маҳалла фаоллари бунга эътиборли бўлишлари зарур.

Ҳар бир маҳаллада озодалик учун аҳоли жавобгар бўлиши, ўз навбатида ёшларда экологик маданиятни шакллантиришга эътибор қаратиш керак бўлади.

## ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Манба: ПФ-6195-сон, 25.03.2021 й.

@huquqiyaxborot



Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (Агентлик) ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди

2021 йил 1 апрелдан

1,5x

Агентлик марказий аппарати ходимларининг ойлик лавозим маошини 1,5 бараварга оширилади

1,2x

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси марказий аппарати ва унинг ҳудудий комиссиялари ходимлари ойлик лавозим маоши 1,2 бараварга оширилади

ҚЎЙИДАГИЛАР АГЕНТЛИК ТИЗИМИГА ЎТКАЗИЛДИ:

Агентлик кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва ахлининг ижтимоий хилоғига мўлҳоз бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ваколатли давлат бошқаруви органи хисобланади ҳамда Ҳукуматга бўйсунди

- "Саховат" ва "Муруват" интернет уйлари
- Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази
- ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳудудий реабилитация марказлари
- уруш ва меҳнат faxрийлари учун санаторий ва пансионатлар

- Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлимлари
- Одам савдоси жабрийдаларига ердан бериш бўйича Республика реабилитация маркази
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари "Саховат" ва "Муруват" интернет уйлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси
- Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси

2021 йил 1 апрелдан

2021 йил 1 апрелдан

2021 йил май ойидан

2021-2024 йилларда

"Саховат" ва "Муруват" интернет уйларида 1 нафардан кутубхоначи шарт билрлиги жорий этилади

Уруш ва меҳнат faxрийлари учун республика пансионатига замонавий физיותרания бўлими ташкил этилади

"Саховат" интернет уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат faxрийлари учун республика пансионатига кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар йили бир марта санаторийларда бепул соғломлаштириш ташкил этилади

туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимларида ишловчи ижтимоий ходимларнинг олий маълумот олиши учун республика ОТМларида мақсади қоталар ажратилди





# МУРОЖААТНОМА

## Яна бир муҳим масала – сўнги 3 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 5 миллионга яқин аҳоли яшайдиган 1 минг 200 та маҳалла ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

САЙЛОВЧИ ҲУЗУРИДА:

# МУАММОЛАР, МУРОЖААТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИГА НАЗАР

**Бугун парламентдаги ЎзХДП фракцияси аъзолари ҳудудларга чиқиб, аҳоли вакиллари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.**

Депутат илгари жойлардаги ҳақиқий ҳолатни чуқур англамай туриб таклиф тайёрлаган бўлса, бугун вазият умуман бошқача. У ҳудудлардаги реал вазиятни ўз кўзи билан кўриб, ҳар бир масалага тахлил қилди, шунга яраша қонунчилик ҳам такомиллашди, асосли ва ўткир таклифлар, кескин ва қатъиятли фикрлар, муносабатлар қўлади. Демак, ҳамма гап сайловчилар билан юзма-юз бўлиш, улар билан елкама-елка туришда...

Мулоҳазаларимизни узундан-узок фикрлар билан изохлаш ниятидан йироқмиз. Мавзуга ҳамоҳанг тарзда депутатларнинг сайловчилар билан мулоқотлари, мурожаатлар, муаммолар тахлилига, уларнинг ечимига қаратилган амалий ҳаракатлар самарасига қаратамиз.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Анвархон Темиров** Бosh вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси Косонсой туман бўлими билан ҳамкорликда сайёр қабул ўтказди. Депутатнинг кайд этишича, сайёр қабулда фуқаролардан 11 та мурожаат келиб тушди. Кўтарилган муаммоларни маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда жойида ҳал этиш чоралари кўрилди. Натيجида, банк-кредит ва тадбиркорлик масалалари юзасидан тушган 9 та мурожаат жойида ҳал этилди. 2 та мурожаат эгала-

рига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

– Шунингдек, учрашувлар давомида аҳоли томонидан бўлган мурожаатлар асосида тумандаги “Янгийул” МФЙда жойлашган 25-сонли мактаб-гача таълим ташкилоти фаолияти ўрганилди. 140 ўринга мўлжалланган муассасада 200 нафар бола таълим олмакда. “Янгийул”, “Янги шахар” маҳаллаларидаги 3-7 ёшли болалар сони 988 нафарни ташкил этади ва мактабгача таълим муассасаларига навбат юқорилиги боис, қўшимча ўринларга эҳтиёж катта. Янги боғча қурилиши учун бундан аниқланди. Шундан келиб чиқиб, тегишли идоралар ҳамда мактабгача таълим ташкилотига муаммо кўриб чиқишнинг сўраб депутат сўрови жўнатиш режалаштирилди, дейди А.Темиров.

ХДП фракцияси аъзоси Фирдавс Шарипов «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида Денов туманидаги «Юрчи» маҳалласида амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганди. Маҳалладаги 4-сонли мактабгача таълим ташкилотининг фаолияти билан танишди. Депутатнинг айтишича, муассаса таъмирига муҳтож ҳолга келиб қолган бўлиб, инвестиция дастури асосида мукамал таъмирланиши зарур.

Шунингдек, «Янгириқ» маҳалласида жойлашган Денов тумани тиббиёт бирлашмаси 2-сон болалар бўлими фаолияти билан танишилди. Маълум бўлишича, ушбу тиббиёт муассасаси биноси 1982 йилда қурилган, шундан буён таъмирланмаган. Мазкур масала бўйича масъулларга депутат сўрови юбориш режалаштирилди.



## Халқ манфаатлари ҳамма нарсадан устун!

– Сайловчилар билан мулоқот давомида мурожаатлар ечими бўйича ахборот ҳам берилди. – дейди Фирдавс Шарипов. – Аввалги учрашувларда «Буюк ипак йўли» маҳалласида аҳоли томонидан ички йўлларга тош ётқиши, футбол мактабини замонавий тарзда бунёд этиш учун туман марказидан ҳамда «Лағмон ота» маҳалласи болалари учун хусусий боғча қуриш учун тадбиркорга ер ажратиб, «Дунётепа» маҳалласида яшовчи, ёлғиз она А.Шерқубилова ва «Янги ҳаёт» маҳалласидаги Н.Турдиеванинг уй-жой масаласида, «Юрчи» маҳалласи фуқароси М.Раҳматуллаевнинг «Аёллар дафтари»га киритишни сўраган мурожаатлари туман ҳокими иштирокида кўриб чиқилиб, ижобий ечим топди.

Таъкидлаш жоизки, айни кунда «Ўртабўз» қишлоғи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласида депутат сўрови натижасида 7,2 км. янги тармоқни қуриш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Натижанда «Буюк ипак йўли» маҳалласи аҳолиси марказлашган ичимлик суви билан 96 фойизга таъминланади.

Фракция аъзоси Шербек Бўроновга Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги «Тортувли» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласида мурожаат қилган эди.

Депутат ушбу мурожаатдан келиб чиқиб, «Ўзсувтаъминот» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси номига сўров

юборган. Ушбу депутат сўровига асосан «Тортувли» МФЙ аҳолисини ўйлантираётган масала ечими учун 1,7 млрд. сўм маблағ йўналтирилган бўлди.

Депутат бугун мазкур маҳаллада ўтказган учрашувда 10 км. ичимлик суви тармоғини қуриш мақсадида лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича туман мутасаддиларига кўрсатма берди. Лойиҳа амалга оширилганига қадар ҳудуд аҳолисига ичимлик суви «Самарқанд сув таъминоти» МЧЖнинг Нарпай тумани бўлими томонидан маҳсуус техникалар орқали етказиб бериш йўлга қўйилди.

Шунингдек, депутат Нарпай туманидаги 14-сонли «Иттифоқ» поликлиникаси ва «Тотувли» маҳалласидаги оилавий шифокорлик пункти фаолияти билан танишиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасаддиларга тавсиялар берди.

Албатта, бу каби назорат-тахлил тадбирлари давомида қабул қилинаётган қонунларнинг фуқаролар ҳаёт тарзига негизли ижобий таъсир этаётгани, яна қандай ҳуқуқий масалаларга талаб борлиги ўрганиб борилади. Парламент одамларга янада яқин бўлиши уларнинг дардини эшитиш, жойлардаги ижро ҳокимиятининг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади. Бу жойларда ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни чуқурроқ ўрганиш, уларни ўз вақтида бартараф этиш, қабул қилинадиган қонунларнинг халқчиллигини таъминлашга, энг муҳими, уларнинг ижроси самарадорлигини оширишга олиб келади.

Лазиза ШЕРОВА

ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИ

## «МАҲАЛЛАБАЙ» ИШЛАШ САМАРАСИ

**Партиямиз электорати вакиллари қийнаётган муаммоларга ечим топишда «маҳаллабай» ишлаш тизимини изчил йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан жойларда қатор тадбирлар ташкил қилинмоқда.**

Партия Марказий Кенгаши раиси, партиямизнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси раиси Улғубек Иноятов ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фирдавс Шарипов Термиз туманидаги қатор маҳалла-ларда бўлиб, кексалар, ёшлар ҳамда хотин-қизларни ўйлантираётган масалаларни атрофлича ўрганишди.

— Ҳудудда 78 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди Ўзбекистон ХДП Термиз туман Кенгаши раиси Тура Зойиров. — Уларнинг 7 минг 345 нафари «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган. Демак, электоратимиз вакиллари ижтимоий ҳимоялаш бўйича қиладиган ишларимиз кўп.

Партия ташкилоти ҳамда депутатлик гуруҳи ҳамкорлигида жойларда учрашувлар ташкил қилинмоқда. Сайёр ва кўча қабуллар ўтказаямиз. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида «Гулбахор», «Айритом», «Халқобод», «Сабаиқоя» ва бошқа маҳаллалардаги 200 га яқин хонадонда бўлди. Одамларни бандлик, кредит олиш, уй-жой, электр энергияси, тоза ичимлик суви ва бошқа масалалар қийнаётгани аниқланди. Ўрганишлар давомида 20 дан ортиқ муаммо жойида бартараф этилган бўлса, қирққа яқин мурожаат тегишли тартибда назоратга олинди.

Маълумки, юртдошларимизнинг асосий қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Кўпчиликда томорка бор. Янги иш ўринлари яратиш учун иссиқхоналар ташкил қилиш, боғдорчиликни ривожлантириш, асаларчиликни йўлга қўйиш, чорва молларини қўлайтириш талаб этилади. Шунингдек, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га кирганлар «Устоз-шогирд» аънаси асосида қорхоналарда иш ўрганса, ўйлай-манки, албатта, қўзланган мақсадга эришамиз.

Депутатларимиз иштирокида очик ва самимий руҳда ўтган тадбирларда «Бунёдкор», «Меҳнат гузари», «Ат-Термизий» маҳаллаларида истиқомат қилаётган ўнга яқин кам таъминланган оилга иситиш мославлари, ногиронлик аравачалари топширилди.

— Яхшилик ва эзгулик асло унутилмайди, — дейди «Бунёдкор» маҳалласида истиқомат қилувчи Нодира Қўчқорова. — Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъуллари ва депутатлар Наврўз байрами кунлари ҳолимиздан хабар олганидан ҳурсанд бўлди. «Темир дафтар» ва «Аёллар» дафтари га кирган бир гуруҳ юртдошларимизга совғалар берилгани эса барчамизнинг қайғитишимизни кўтарди. Ташаббускор ва олийҳиммат инсонларга раҳмат.

— Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилнинг ўтган икки ойи давомида вилоят, шаҳар ва туманлар партия ташкилотлари масъуллари ҳамда депутатлик гуруҳлари томонидан «Аёлларга кўмак», «Ёшларга кўмак» лойиҳалари доирасида қатор ишлар амалга оширилди, — дейди Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши Хотин-қизлар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш сектор мудири Феруза Болтаева. — Жумладан, 111 нафар хотин-қиз касб-ҳунарга ўқитилиб, 50 фойиздан кўпрогининг бандлиги таъминланди. 26 нафар кишига кредит олишда амалий ёрдам кўрсатди. 20 га яқин хонадонда тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш соҳалари йўлга қўйилди. 11 нафар кишининг уй-жойлари таъмирланган бўлса, 9 та ногиронлик аравачаси тарқатилди.

Аҳоли турмуш даражасини яхши-лаш — келажакка қўйилган мустаҳкам пойдевор. Шундай экан, бу борадаги хайри ва эзгу ишлар мунтазам давом этади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

# УЙИ БОРНИНГ УЙИ БЎЛМАЙДИ

## ёки “Ўз уйинг — ўлан тўшагинг”

**Топиб айтилган гап, тўғрими? Бундан ҳеч биримиз инкор эта олмаймиз. Уйимиз бўлсагина рўзгоримиз бут, кўнглимиз хотиржам. Инсон мўъжазгина бошлана соҳиб бўлса ҳам ҳаётдан рози яшайди. Шу кичкина маконимиз бор экан, топган-тутганимизга барака бўлади. Одам ўз уйдан ташқарида ҳаловат топмайди. Демак, фуқароларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини ҳал қилиш кечиктириб бўлмайдиган масала.**

Мамлакатимизда аҳоли сони тобора кўпайиб бормоқда. Бу табиийки, уй-жойга бўлган эҳтиёжни ҳам оширади. Шундан келиб чиқиб, халқимиз ҳаётини янада фаровонлаштириш, фуқароларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида арзон, замонавий, шимам уй-жойлар қурилмоқда. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш, хусусан, ёш оилалар, уйга муҳтож фуқароларни уй билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишохотлар олиб боришмоқда.

Бунда аҳоли даромадларини ошириш, истиқболли дастурларни ҳаётга таъбиқ қилиш, уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга турли қўлайлик ва имтиёзлар беришга алоҳида эътибор қаратилган. Аҳолининг реал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда арзон уй-жойлар бунёд этиляпти.

### 54 МИНГ ОИЛА ҚУВОНЧИ

Тахлилларга кўра, мамлакатимизда ўтган тўрт йилда давлат дастурлари асосида 140 минг ёки йилга ўртача 35 минг уй-жой барпо этилди. Бу кўрсаткич олдинги йилларда қурилган ўртача уй-жой сонидан 4-5 баробар кўлдир. Лекин шунга қарамай, уй-жойга эҳтиёж катта, ижарама-ижара сарсон-саргардонликда юрган ёки икки-уч оила кичкина уйда тиқилиб яшаётган ҳолатлар ҳали жуда кўп.

Маълумки, ўтган ойда давлатимиз раҳбарининг “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиб орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Унга кўра, бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби доирасида кўп квартиралар уй-жойлар қурилади. Фармонга мувофиқ, 54 минг оилани уй-жой билан таъминлаш белгиланган.

Янги тартиб доирасида жорий йилда республика бўйича жами 33114 та квартира ва яқна тартибдаги уй-жойлар, қишлоқ жойларида 8 336 та квартиралардан иборат кўп қаватли арзон уй-жойлар, фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун 3 550 та квартиралардан иборат кўп қаватли уй-жойлар қурилади.

Аҳамиятли яна бир томони, янги тартиб асосида эндиликда қурилиш ишлари хусусий пудрат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Демак, қурилиш бозорига рақобат муҳити юзага келади, уй-жойлар маълум даражада арзонлашади.



### ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТ: МИНГЛАБ ОИЛАЛАРИНГ ОГИРИ ЕНГИЛ БЎЛАДИ

Яна бир янгилик, уй-жой қурилиши учун давлат томонидан аҳолига ҳам, қурувчиларга ҳам катта имтиёзлар берилмоқда. Жорий йилда кредитлар ипотека кредитининг энг кўп миқдорларидан ошмайдиган ва дастлабки бадала яқна тартибдаги уй-жойни қуриш ишлари қийматининг 15 фойиздан кам бўлмаган миқдорда, 6 ойлик имтиёзли давр билан 20 йил муддатга ажратилади.

Эндиликда даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шaroитини яхшилашга муҳтож фуқароларга яқна тартибдаги уй-жойларга ажратилган ипотека кредитлари бўйича дастлабки 5 йил мобайнида фойиз ставкасининг 10 фойизлик пунктдан ошган қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилади. Бу ўз уйига эга бўлиш учун яқин ният билан ишлаб, ҳаракат қилаётган оилаларга уй-жой олиш учун имконият янада кенгайди деганидир.

Тўғриси айтиш керак, ўз уйига эга бўлиш қай-гусида юрган шундай оилалар борки, бугун умр топган-тутганини ўй-жой қуришга сарфлайди. Қанча фуқароларимиз ўй қуриш, бошлана учун пул тўплаш мақсадида машаққатли, оғир меҳнатларни қилишга, оиласидан, бола-чақасидан узоққа кетиб, ишлашга мажбур бўляпти. Яшашига ва уй-жой масаласида ҳаловати бўлмаган инсон ҳеч бир соҳада муваффақиятга эриша олмайди. Жорий йилдан бошлаб аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида берилаётган имтиёз ва имкониятлар орқали муҳтож қанча оилаларнинг оғири енгил бўлади. Емай, ичмай, йиллар давомида мисқоллаб пул йиғайтган оила, минглаб оилаларнинг ташвиши камаяди.

### ДЕПУТАТ НИМА ДЕЙДИ?

Ишохотлар ҳақида узоқ гапириш мумкин, уларнинг самараси хусусида ҳам кўпдан-кўп мисоллар келтирса бўлади. Бугун шароит, имконият катта,

имтиёзлар кўлами кенг. Ишламан, уй-жой қилман, яқин яшайман, турмушим обод бўлади, деган киши учун барча қўлайликлар бор. Ҳаммаимиз бунга ўз кўзи билан кўриб турибмиз, татрифташганилар, кўн-қўшимиз ёки қариндошимиз, атамчан, билганларимиз мисолида ҳам гувоҳи бўляпмиз.

Кечагина уй-жой қайғусида ўйланиб юрган кадрдонимиз, дўстимиз ёки танишимиз бугун шинамгина, обод ва озода бўлган ўз уйига меҳмонга қақиряпти. Неча йиллар давомида ижарама-ижара юриб қийналган ошнамиз имтиёз орқали энди ўз уйига, маконига эга бўлди. Кунинг иссиғини иссиқ, совуғини совуқ демай, ўчоқ бошидан нари кетмаган минглаб ўзбек аёлларининг ҳам кўксига шамол теғди. Энди улар замонавий, барча шароит ва қўлайликларга эга уйларнинг бекаси бўлмоқда. Булар ҳақида қанча гапирсак оз, ишохотлар буй кўрсатаётгани, самара бераётгани тўғрисида, унинг ҳаётимиз, турмушимиздаги ўзгаришлари ҳақида қанча асос ҳам кам...

Лекин, жараён ҳақида тўхталганда, тизимда ечимини кутаётган муаммолардан ҳам кўз юма олмаймиз. Депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида ҳам айнан ушбу масалада муаммолар борлиги аён бўляпти.

### Дилором Имомова,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Сайловчилар билан учрашувларда уй-жой масаласида кўп мурожаатлар бўлади. Айниса, кам даромадли, кўп болали оилалар бу масалада қийинчиликларга дуч келмоқда.

Учрашувлар чоғида келиб тушаётган мурожаатлар тахлили аҳолини арзон ва сифатли уй-жой билан таъминлашда кўплаб муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Ушбу масала ўрганилганда, аҳолининг ҳақли эътирозларига давоиб бўлаётган камчиликлар кўзга ташланади.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.



# МУРОЖААТНОМА

## Буюк аждодимиз Имом Мотуридий ҳазратларининг “Тириклик ҳикматини соғлиқда, деб билгин”, деган чуқур маъноли сўзлари нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи бугун қайта-қайта исботламоқда.

# АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

### янги Ренессанс пойдевори



**Мозийга қайтиб, мулоҳаза юритсак, кўхна тарих ва улкан маънавий мерос мужассам бўлган ҳозирги Ўзбекистон жойлашган ҳудуддан шарқ ва ғарб цивилизациясини ўзида бирлаштирган Буюк Ипак йўлининг асосий йўналишлари ўтганлигига шохид бўламыз. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган мамлакатимизда турли цивилизацияларга дахлдор 7000 дан орტიқ бебаҳо маданий мерос ёдгорликларининг аксарияти “ЮНЕСКО” Жаҳон мероси рўйхатида киритилганлиги, шунингдек, шарқ алломаларининг жаҳон тамадуни ҳамда дунёнинг йирик динлари ривожига қўшган ҳиссаси бунинг ёрқин далили бўла олади.**

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, миллий давлатчилигимиз қарор топди. Сабру бардошли ва матонатли халқимиз ўз шон-шарафи, миллий кадриятлари, урф-одатларини тилда, миллий гоа замирида мустақил дунёқарашга эга бўлди. Худди шундай миллий ўзига хосликни намойён этиш энг аввало илмий-маданий меросни пухта ўзлаштириш билан боғлиқлигида кенадиган жараён. Бу жараёнда дунё ҳамжамиятида ўз ўрнимизга эга бўлиш, илгор қарашлар замирида онг ва шууримизни ўзгартиришимиз ва Ватан олдидаги масъулиятимизни тўлақонли ҳис этишимиз, мамлакатимизда қабул қилинган стратегик ҳаракатларга ҳамоҳанг мақсадли

ҳаракат негизда янги идеаллар ва кадриятларни қарор топтиришимиз устувор аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари, Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизнинг маданий-тарихий меросини авайлаб сақлаш, уларни омалаштириш ҳамда танитишни назарда тутиб, ижтимоий маконга тўлиқ интеграциялашувни таъминлаш мақсадида смарт-технологияларни жорий этиш вазифалари белгиланган эди. Бугунги кунда айнан миллий гоа ҳар бир шахс томонидан қалбдан ҳис этилаётгани, янгиланаётганини Ўзбекистоннинг учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётганини аниқлади. Фақат учин-

чи Ренессанс амалга ошириб, эркин ва фаровон ҳаётни барпо эта олишимиз мумкин. Шу ўринда келтириб ўтиш лозимки, биринчи ва иккинчи ренессанслар биринчи галда юксак ахлоқийлик, илмийлик, бағрикенглик замирида юзага келган. Биринчи Ренессансда юртимиздан етишиб чиққан ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Қошғарий, Махмуд Замахшарий каби буюк даҳлар, Имом Бухорий, ат-Термизий, Имом Мотуридий, Абул Муин Насафий ҳамда бошқа буюк дунёвий ва диний алломалар шуури олами ёритган. Иккинчи Ренессансда Улугбек, Ғиёсиддин Жамшид Кошии, Қозизода Румий, Али Қўшчи, Лутфий, Жомий, Навоий, Бехзод каби боболаримиз бугун ҳам дунёни лол қолдираётган асарлар яратиб келишмоқда. Хусусан, Абу Наср Форобий асарларида бошқарув тизимида илм-санъатнинг махсус турлари бўйича фозил, ақли ва маҳоратга эга бўлган турли кишиларнинг ўрни алоҳида эканлиги ифода қилинган. Қомусий олим Абу Райҳон Беруний ўзигача маълум бўлган ва тарихий манбалардаги хабарларни йил ҳисобларини қўллаб аниқлашга, уларни саралаш, баъзи ўринларда астрономик кузатувлари натижасида олган хулосалар асосида таҳлил қилиш. Давлатни идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти азият-чеканларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдан иборат эканини таъкидлаган. Юсуф Хос Ҳожибнинг асарларида таълим ижтимоий-сиёсий, моддий ва маданий тараққиётнинг ўлчов бирлиги эканлиги кўрсатиб ўтилган. Жамият талабига тўлиқ жавоб берадиган инсон фактори бу ренессанслар даврида турлича аталган. Хусусан, Юсуф Хос Ҳожиб уни “туғал ёр”, Форобий “фозил киши”, тасавуф намояндаси “комил инсон” деб атаган. “Ҳар томонлама ривожланган шахс”, “уйғун ривожланган шахс” аталган ҳам қўлланмаган. Ҳалоллик ва тўғрилик, инсоф ва адолат, илм ва амалий фаоллик ҳамма нарсадан устун қўйилган. “Сендан ҳаракат – мендан баракат” нақли замирида маънавий-илмий янгилашни, илмий-технологик таъминот тақозоси, ўз навбатида таълим-тарбиянинг барча бўлиқлари узлуқсиз ислоҳ этиш борилишини тақозо этади. Янги Ренессанс пойдеворини барпо

этиш йўлида ёшлар мафқуравий мутаассибликнинг ҳар қандай кўринишларига чалғимаслиги, тарих сабоқларини унутмаслиги, хусусан, буюк аждодларимиз яратган биринчи ва иккинчи ренессансларнинг тарихий шариоти ва даври талаблари, имкониятларини ҳаққоний баҳолаб, янги Ренессанснинг шариотлари ва талаблари мутлақо ўзгача эканлига эътибор қаратиши керак. Учунчи Ренессанс дунё даражасида кечаётган “тўртинчи саноят инқилоби” билан бир вақтга тўғри келгани айниқса, аҳамиятлидир. Шу сабабдан у аввало, тубдан технологик янгилашни, юксак ривожланган рақамли иқтисодиёт қарор топишини тақозо қилади. Ўз навбатида, бу жараён ишлаб чиқаришнинг (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) инновацияга йўналтирилиши ва рақамлаштирилишини талаб этади. Бу жараёнда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг моддий-маънавий ва илмий-технологик истиқболли комплекс дастурлари узвийликда учинчи Ренессанс гоаси билан боғланиши шарт. Навбатдаги вазифа 2021-2030 ва ундан кейинги йилларда тизимли тарзда инновацион ёндашув орқали учинчи Ренессанс гоасининг прогноз кўрсаткичларини аниқлаштириш ҳамда мўлжалларни белгилаш ва уларни амалга ошириш босқичлари кесимида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, 2021-2023-йилларда янги Ренессанснинг шариотлари ва талабларини асослаш, далиллаш ва теран аниқлаш орқали унинг пойдеворини барпо этиш, биринчи ва иккинчи ренессансларнинг тарихий шариоти ва даври талабларини ҳаққоний баҳолаш, аждодлар меросини тарғиб қилиш, миллий гоа ҳар бир шахс томонидан қалбдан ҳис этилишига омил бўлидиган даражада унинг мазмун ва вазифаларининг янгилашни, жонлан-тирилиши, сафарбарлик таъсири аниқ ва кучли бўлишига эришишимиз керак. Дунё даражасида кечаётган “тўртинчи саноят инқилоби”га мос равишда мамлакатимизда тубдан технологик янгилашни, юксак ривожланган рақамли иқтисодиётни қарор топтириш, мафқуравий маънавий-илмий янгилашни, тарих сабоқларини унутмаслик, миллий гоа талабларини моделлаштириш ва таълим-тарбия тизимини улгарга мослаштириш талаб этилади. 2024-2027-йилларда аждодлар

мероси замирида учинчи Ренессанс гоасини тарғиб қилиш ва шу аснода эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиш, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнимизга эга бўлиш, илгор қарашлар замирида онг ва шуурини ўзгартириш ва Ватан олдидаги масъулиятни тўлақонли ҳис этиш негизда кадриятларнинг барқарорлигини таъминлаш лозим. 2028-2030 ва ундан кейинги йилларда аждодлар мероси замирида учинчи Ренессанс гоасини ривожлантириш асосида мамлакатимизнинг маданий-тарихий меросини асраб-авайлаб сақлаш, уларни омалаштириш ҳамда танитишни назарда тутиб, ижтимоий маконга тўлиқ интеграциялашувни таъминлаш мақсадида “смарт”-технологияларини жорий этиш, қонуний ва адолатли халқлик давлатчилиги замирида мустаҳкам демократик, фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифалари қўйилган. Бизнинг назаримизда учинчи Ренессанс гоаси вазифалари 2021-2050 йиллар учун тизимли тарзда, яъни, маълум белгиланган йиллар кесимида прогноз кўрсаткичлар тарзида аниқлаштирилиб борилиши ҳамда мўлжаллар белгила-ниши зарур. Ҳар қандай буюк режа, буюк гоа инсон эҳтиёжлари, турмуши яшиланиши, эркинлигининг ошиши ва маънавий камолоти билан бевосита боғлиқли-гида ҳаётлилик ва реаллик касб эта-ди. Президентимиз таъкидлаганидек, “Халқимизнинг уйғур кудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”. Шундай экан, қилинаётган ҳаракат ва тақлифлар амалиётга изчил жорий этилса, ривожланиш ҳам жадаллашади. Доншманд халқимиз узокни кура олиши, бирдамлиги ва фидойи меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келмоқда. Бугун эса сунъий интеллект ва рақамли технологияларга таянадиган “тўртинчи саноят инқилоби” талабларини моделлаштириш ва таълим-тарбия тизимини унга мослаштириш керак бўлади.

Шахриддин ҒАНИЕВ,  
Тошкент молия институти доценти,  
Лобар БОЙМУРОВОВА,  
Тошкент молия институти талабаси.

## БИЛАСИЗМИ?

### 1 АПРЕЛДАН НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?



- Ветеринар-шифокорлар учун шифокорларга тенглаштирилган даражада ойлик маошлар тўланади.
- Олислар ва чекка ҳудудлардаги почта алоқаси объектларида давлат хизматлари аутсорсинг асосида ташкил этилади.
- Интеллектуал мулк соҳасида тежор экспертиза тартиби жорий этилади.
- Автомототранспорт ҳайдовчиларини тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи тадбиркорлар ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун имтиҳонлар ўтказиши мумкин.
- Маҳаллий экспортчи корхоналарнинг савдо уйлари очиш ва сақлаш билан боғлиқ чет элдоги харажатларнинг ярми қоплаб берилади.
- Республика “Қоракўчилик” уюшмаси аъзоларига ўзлари томонидан тежор қилинган қўй бош сонининг 50 фоизидан ошмаган қисмининг экспорт қилишга рухсат этилади.
- Заргарлик буюмларини электрон тижорат орқали сотишга рухсат берилади.
- Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисларига кадастр ийжмажилдини тайёрлаш ҳуқуқи берилади.
- Давлат органларининг ижро интизомига маъсۇл бўлиналари раҳбарларини лавозимга тайинлаш мажбурий тартибда келишилади.
- 2021 йил 1 апрелдан 2024 йил 1 январга қадар муддатга ҳисобот даври якунлари бўйича электротехника маҳсулотларини сотишдан тушган тушуми кам бўлмаган электротехника тармоғи корхоналарига фойда солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича ставкаларни 50 фоизга камайтириш тарзида солиқ имтиёзлари берилади.
- Бюджет жараёнининг очиклигини таъминлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик амалга киритилади.
- Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг очиклик индекси жорий қилинади.

## 18 ЁШГА ТўЛМАГАН ШАХСЛАРГА



меҳнат қонунчилигида қандай имтиёзлар берилган?

- дастлабки тиббий кўрикдан ўтгандан кейингина ишга қабул қилинадилар ва 18 ёшга тўлгунларига қадар ҳар йили мажбурий тарзда тиббий кўрикдан ўтказиб турилади;
- камида 30 кундан иборат йиллик таътил берилади ва улар бу таътидан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун қўлай бўлган бошқа вақтда фойдаланиши мумкин;
- тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш тақиқланади;
- улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади.

## ТАМАКИ ЧЕКИШ

Жарима солишга сабаб бўлади. Иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнгин чиқиш хавфи бўлган жойларда, шу жумладан автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш БҲМнинг ундан бир қисми (81 минг сум) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Бундан тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар ва (ёки) хоналар мустамо ҳисобланади.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги “#Noququly\_aborot” канали.

## ЭЪЛОН

### ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлашда ННТлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш” мавзуда Давлат грантлари ажратиш учун 1-танловни ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйдаги мақсадларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

1. Ёшларни ғиёҳвандлик, ахлоқсизлик ва бошқа зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишда таълим муассасаси, оила ва маҳалла институтлари билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш;
2. Оила институти мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда ижтимоий шериклигини кучайтириш;
3. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, аёллар ва ногиронлар бандлигини таъминлаш мақсадида ижтимоий корхоналарни шакллантириш;
4. Хотин-қизлар ва ёшларни иқтисодий, молиявий ва бизнес соҳасидаги кўникмаларини юксалтириш орқали тадбиркорликнинг турли соҳаларига кенг жалб қилиш;
5. “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кудратли бўлади” тамойилини ҳаётга жорий этиш орқали аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий тадбиркорлик ва касачачилик, хунармандчиликни рағбатлантириш борасида тарғибот ишларини олиб бориш;
6. Аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича “Маҳалла – сектор – туман” тамойили асосида самарали ҳамкорлик тизимини жорий этиш, маҳалланинг халқ билан давлат ўртасида ишончли “кўприк” бўлишини таъминлашга қўмаклашиш;
7. “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” гоаси асосида аҳоли орасида маънавий-маърифий тадбирларни ташкиллаштириш;
8. “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади” деган гоа асосида ёш авлодни жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар ёшлар бўлиб улғайишига қўмаклашиш;
9. Соғлом оила – соғлом жамият” гоасини ҳаётга татбиқ этиш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли қўмаклашиш;
10. Норасмий меҳнат миграциясини олдини олишда, меҳнат бозорига рақобатбардос

### ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ “Аҳолининг ҳуқуқий онги, инсон ҳуқуқлари ва мулоқот маданиятини юксалтиришда жамоатчилик назоратини ташкил этиш” мавзуда Давлат грантлари ажратиш учун 2-танловни ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйдаги мақсадларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

1. Давлат органларда жамоатчилик кенгашлири фаолиятининг самардорлигини оширишга қўмаклашиш;
2. Халқаро рейтинг ва индекслар, уларнинг таркибий индикаторларида баҳоланадиган соҳаларида давлат ва жамият ҳаётини кенг ёритиш;
3. Аҳолининг маънавий-ахлоқий билимларини ошириш, оилада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш;
4. Жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш;
5. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилиниши, ҳар бир шахснинг кадр-қимматини эъзозлаш ҳақидаги тафсилотларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиш;
6. Хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳолга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш;
7. Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, аҳолининг кундалик муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;
8. Маҳаллаларда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларида ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;
9. Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали ва замонавий механизмларини жорий этиш ҳамда омалаштириш;
10. Аҳоли учун бепул кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш устидан жамоатчилик назоратининг самарали механизмининг ва инновацион усулларини жорий этиш;
11. Аёллар ва болаларни ижтимоий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий қўллаб-қувватлашда ижтимоий шериклиги кучайтириш;
12. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар-

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси танилиқ ёзуви, публицист Ғаффор ХОТАМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.



СПОРТ

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР МАМЛАКАТИ

“Шахмат бизни ғалаба учун курашишга ўргатади”

Бу – Самарқанд давлат университети жисмоний маданият факультети 1-курс талабаси, шахмат бўйича жаҳон чемпионати иштирокчиси, икки карра Осиё чемпиони, 15 карра Ўзбекистон чемпиони Зебо Усмонованинг ҳаётдаги шиори Зебо 2002 йил 16 июлда Самарқанд шаҳрида туғилган. Отаси Усмон Шодиев Зебони шахмат тўғрисида олиб борганда, у эндигина 4 ёшда эди. Онаси Гулсанам Шодиевнинг қўллаб-қувватлаши ва устозларининг эътибори, меҳнати натижасида бугунги кунда у бир қатор муваффақиятларни қўлга киритмоқда...



Тўғилди. Бугунги кунда Самарқанд давлат университетида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Шахмат бўйича “Ректор кубоги” мусобақаси ўтказилганлигини алоҳида таъкилламоқчиман. Бир кун келиб, Самарқанд шаҳрига дунё шахматчилари йиғилишига, халқаро мусобақалар ўтказилишига ишонаман.

– Ёшларни шахматга қизиқтириш учун нималарга кўпроқ эътибор қаратиш керак? – Нафақат шахмат, балки спортнинг бошқа турлари ҳам бизни соғлом фикрлашга, соғлом яшашга, ҳаётга соғлом қарашга ўргатади. Мақтабларда, олий ўқув юртиларида шахмат майдонларини кўпайтириш керак. Шахматни Ўзбекистонда янада омаллаштириш учун янаги гоёлар, лойиҳалар зарур. Мазкур тарғиботларда Самарқанд давлат университети олимлари, талабалари олдинги сафларда бўлиши лозим. – Шахматни ҳаёт майдонига ўхшатишда, ҳар бир қадмни ўйлаб босиш талаб этилади. Умуман, шахмат бизга нимани ўргатади? – Шахмат доналари ва доскаси оқ ва қора ранглардан иборат. Ҳаёт ҳам худди шундай оқ ва қора ранглар жамланган. Балки, шахматнинг ранглари ҳам айнан ҳаётдан олингандир. Шахмат ўйнаган одам олдиндан кўра билиш ва ҳис қилиш қобилиятига эга бўлади. У ҳар бир юришдан олдин ўйлайди: юрсам нима бўлади ва қандай имкониятга эга бўламан? Шу сабабли унинг ҳаётда ҳам, спортда ҳам алоҳида ўрни бор. – Тенгдошларингизга профессионал шахматчи сифатида нима деган бўлар эдингиз? – Тенгдошларимга иложи борича қайси тури бўлмасин спорт билан мунтазам шуғулланишни тавсия қилган бўлардим. Чунки ҳам жисмоний, ҳам ақлий ривожланиш бўлса, инсон мукамаллик сари яқинлашаверида, деб ўйлайман. Хусусан, шахматда иштирокчининг ёши умуман аҳамиятга эга эмас. Бу спорт билан ёшларимиз ҳам, нурунийларимиз ҳам бирдек шуғулланиб келади. Фикримча, шахмат бизни сабрга ҳам ўргатиб, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизга маълум даражада таъсир ўтказиши...

Отабек САЪДУЛЛАЕВ, шахмат бўйича ўқув методлари бўлими бошқарувчи ўқитувчиси. Шахмат АКРАМОВ оғлан сурат.

ВАТАН ШАЪНИН УЛУҒЛАЁТГАНЛАР

Ўтган шанба кuni пойтахтимизнинг муҳташам “Хумо арена” спорт саройида мамлакатимизнинг турли хуудларидан келган бокс ишқибозлари ажайиб ғалабаларининг гувоҳи бўлишди. Дунё бокс икхосмандларининг эътибори марказида бўлган мусобақа ДАЗН платформаси орқали сайёрамизнинг 200дан ортки мамлакатига жонли тарзда эфирга узатилди.

Кечанинг иккинчи жангида биринчи оғир ваэн тоифасидаги боксчимиз Санжар Турсунов украиналик Иван Юхтага қарши жанг ўтказди. 6 раунд давом этган баҳсда ҳамюртимиз очколар ҳисобида ғалаба қозонди.

Осиё чемпиони, Ўзбекистон ифтихори Баҳодир Жалолов латвиялик Кристалс Зутисни рингдан бош эгиб чиқиб кетишга мажбур қилди. Кейинги баҳсда биринчи ўрта ваэн тоифасидаги боксчимиз Исроил Мадримов 10 раундлик жангда Эммануил Каломбога қарши рингга кўтарилиди ва натижада боксчимиз очколар ҳисобида ғалабани қўлга киритди. Навбатдаги жанг эса бокс оламининг “Рональдоси” иштирокида бўлиб ўтди. Кечанинг марказий тўқнашувларидан бири, деб эътироф этилган жанг Шахрам Ғиёсов ва мексикалик Патрисисо Лопес Моренолар ўртасида кечди. Боксчимиз учинчи раунддаёқ рақибига кучли зарба йўллаб, уни нокаутга учратди. Кечанинг марказий жангида Муроджон Аҳмадалиев “ББА” ва “ИБФ” камарларини япониялик Ресуке Ивасадан ҳимоя қилди. 12 раунд эътиб белгиланган жангда боксчимиз нималарга қодир эканлигини намойиш этди. Муроджон рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади ҳамда муддатидан олдин ғалаба қозонди.

Бугун ўзбек боксчилари дунё рингларига етакчиликини ҳеч кимга бермай келишмоқда. Рио олимпиадаси ва ундан сўнг ўтказилган жаҳон чемпионатларида, хусусан, Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ўтказилган сўнгги жаҳон чемпионатида боксчиларимиз тенгсизлиги яна бир бор исботланди.

Кечанинг иккинчи жангида биринчи оғир ваэн тоифасидаги боксчимиз Санжар Турсунов украиналик Иван Юхтага қарши жанг ўтказди. 6 раунд давом этган баҳсда ҳамюртимиз очколар ҳисобида ғалаба қозонди.

Кейинги баҳсда биринчи ўрта ваэн тоифасидаги боксчимиз Исроил Мадримов 10 раундлик жангда Эммануил Каломбога қарши рингга кўтарилиди ва натижада боксчимиз очколар ҳисобида ғалабани қўлга киритди. Навбатдаги жанг эса бокс оламининг “Рональдоси” иштирокида бўлиб ўтди. Кечанинг марказий тўқнашувларидан бири, деб эътироф этилган жанг Шахрам Ғиёсов ва мексикалик Патрисисо Лопес Моренолар ўртасида кечди. Боксчимиз учинчи раунддаёқ рақибига кучли зарба йўллаб, уни нокаутга учратди. Кечанинг марказий жангида Муроджон Аҳмадалиев “ББА” ва “ИБФ” камарларини япониялик Ресуке Ивасадан ҳимоя қилди. 12 раунд эътиб белгиланган жангда боксчимиз нималарга қодир эканлигини намойиш этди. Муроджон рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади ҳамда муддатидан олдин ғалаба қозонди.

Ўзбекистон вакиллари профессионал боксда ҳам ажайиб натижаларни қайд этиб келишмоқда. «Хумо арена» спорт саройида ўтган бокс оқшомида бунга ўзимиз гувоҳ бўлдик. Бундай нуфузли мусобақа нафақат мамлакатимизда, балки минтақамизда ҳам илк бора ўтказилди.

Учинчи бўлиб рингга Рио — 2016 Олимпиада ўйинлари чемпиони, 2018 йил Жакартада ўтказилган Осиё ўйинлари ҳамда 2017 йил Гамбургда ўтказилган жаҳон чемпионатининг кумуш медали соҳиби ва 2017 йилги Осиё чемпиони Ҳасанбой Дўстматов чиқди. 10 раунд қилиб белгиланган жангда Ҳасанбой танзаниялик Мухсин Кизотани 2-раунддаёқ нокаутга учратди ва ББА Интернационал камарини қўлга киритди.

Ушбу мусобақа олдиндан ташкил этилган матбуот анжуманида 2023 йилги катталар ўртасида Жаҳон чемпионати мезбонлиги Ўзбекистонга ишониб топширгани эълон қилинди.

Ушбу халқаро турнир муносабати билан юртимизга жаҳон боксининг етук намояндалари келишди. Хусусан, АИБА ва Осиё бокс конфедерацияси раҳбарлари ҳам ушбу халқаро мусобақага таширф буоришди.

Мухлислар ғалабалар нашидасидан баҳраманд бўлиб турган бир пайтда рингга Миразиз Мирзахалилов чиқди. Танзания вакили Таша Мужижига қарши жанг қилган ҳамюртимиз профессионал боксдаги илк ғалабасини қўлга киритди.

Ушбу мусобақа олдиндан ташкил этилган матбуот анжуманида 2023 йилги катталар ўртасида Жаҳон чемпионати мезбонлиги Ўзбекистонга ишониб топширгани эълон қилинди.

Турнирда саккиз нафар боксчимиз иштирок этди ва уларнинг барчаси ғалабани қўлга киритди. Мусобақа аввалида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Азиз Абдуҳақимов сўзга чиқиб, рингга кўтариладиган барча боксчи-

ларга омад ва зафарлар тилади. Кечанинг дастлабки жанги ўзбек боксчисининг ажайиб нокаут билан якулланди. Осиё ўйинлари ва қитъа чемпионати ғолиби ва яна кўплаб мусобақалар чемпиони Иқболжон Холдоров профессионал боксдаги биринчи жангда танзаниялик Қулва Буширинни 6 раундлик баҳснинг 2-раундида нокаутга учратди. Мусобақанинг ҳар бир жанги боксчиларимизнинг тўлиқ устулигида ўтди.

Матбуот анжуманида ҳам, боксчиларимиз интервюларида ҳам бу ёртин ғалабалар мамлакатимизда спортни ривожлантиришга берилётган эътибор туфайли экани тақдир-тақдор таъкидланди.

Жамшид АМИРОВ, ЎзЖОКУ талабаси.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!



“ЗАРАБОҒ”ДАГИ 450 ЁШЛИ УМРБОҚИЙ ЧИНОР

дарахтининг баландлиги 40 метр, тана сирти қарийб 15,5 метр, ички бўшлиқ айланаси 9 метр, тепага ўрлаган найсимон ковак 10 метр, атроф шохлари 60 метрдан ортик

Шеробод – ажайиб иқлими билан ажралаб туради. Худуд ўзининг хушманзара қишлоқларини, сўлим табиати билан машҳур. Туманнинг бетакор наботот дунёси ҳамда турфа ҳайвонот олами ҳавас қилгулик. Масканнинг зилол суви чашма ҳамда серсув булоқлари тилларда достон.

– Асрлар гувоҳига айланган чинор “ёртўла”си ўз даврида мактаб ва шифона вазирасини бажарган. – дейди 32-мактаб директори Умидулло Шаропов. – Унга тахминан 18-20 киши бемолол сизгади. Утмишдан дарак берувчи дарахт юртдошларимиз билан бир қаторда, хорижлик меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ички туризм билан бир қаторда экотуризмни ривожлантиришда ҳам айни мудида бўлмоқда. Шундай экан, борлиқни борлигича авайлаб-асрайлик. Шундагина келгуси авлодларга ноёб мерос ва бебаҳо бойлик қолдирган бўлаемиз.

– Чинор умрбоқий дарахт, – дейди худуддаги 32-мактабнинг тарих фахи ўқитувчиси Эркин Аминов. – У 900-1000 йил, ҳатто ундан ҳам кўп яшashi мумкин. Юз йилликларнинг шохиди бўлган бу ноёб чинорнинг ёши бўйича

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

ХОТИРА

75 ЙИЛ ЭСЛАНМАГАН ДОВҶОРАК ҚАҲРАМОН

ёки бир хато сабабли йиллар давомида ўз юртида хотирланмаган, унутилган Никита Артёмович Гречихин тақдир ҳақида



Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўтган йиллар давомида Самарқанд вилоятига қарашли Пахтакор – ҳозирги Пахтачи тумани бўйича уч нафар уруш қаҳрамони бўлган, деб келинади. 1994 йилда нашр этилган кўп жилдлик “Хотира” китобининг Самарқанд вилоятига бағишланган 2-жилдида Пахтачи туманидан қаҳрамонлик унвонига сазовор бўлган, 1903 йилда туғилиб, 1943 йилда ҳалок бўлган Грегалин фамилияли юртдошимиз ҳам борлиги қайд этилган (233-бет).

Аммо асосий манбаларда Грегалин фамилияли қаҳрамон бўлмаган, деган ваҳ билан Гречихин Никита Артёмовичнинг номи 75 йил давомида тилга олинмай келинган. Муаммага айланган масалага оидинлик киритиш мақсадида архив ҳужжатларидан, асосли манбалардан жаваб ахтардим. “Совет Иттифоқи қаҳрамонлари” номли икки жилдлик китобнинг

1-жилди саҳифасида излаганимни топиб, жуда хурсанд бўлдим. Унда ёзилишича, қаҳрамоннинг фамилияси Грегалин эмас, Гречихин экан. Эътиборсизлик туфайли Гречихин фамилиясидаги икита – “ч, и” ҳарфлари ўрнига учта ҳарфдан иборат “гал” сўзи Грегалин шаклида нотўғри ёзилган. Натижада зивуудинлик қаҳрамоннинг номи 75 йил давомида гумонлар пардасида номаълум бўлиб келди.

Асосий манбалар (ЦАМО СССР, Ф-33, оп.793756, д.12, 1-27; “Герои твои – Херсонщина”. Симферополь, 1980, стр. 143-145) асосида ҳамюртимиз тўғрисида мухтасар маълумот беришни маъқул кўрдим. Никита Артёмович Гречихин 1903 йилда Украинанинг Днепротетровск вилояти, Игрень шаҳрида туғилган. Миллати украин, бошланғич маълумотли. Меҳнат фаолиятини Украинада бошлаган, бинокор бўлиб ишлаган. Кейинчалик Гречихинлар оиласи Пахтакор туманига кўчиб келишган. Бир неча йиллар давомида тумандаги қурилиш ташкилотларида ишлаган, шу ерда оила қурган. Ўзбек тилини мукамал ўргангани учун маҳаллий аҳоли вакиллари билан ака-укадай бўлиб кетган.

1942 йил февраль ойда Пахтакор (ҳозирги Пахтачи) тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга қаҳриллиб, фронтга жўнатишган. Уша пайтда ёши 40 да бўлган учун Никита жангчилар ўртасида “қария солдат” деб ном чиқарган. У Брянск, Ғарбий, Орлов, Марказий ҳамда Белорус фронтларида бўлиб ўтган жангларда қатнашган. Орлов, Чернигов – Припятск, Гомель – Речица учун жангларда иштирок этган.

1943 йил сентябрда старшина Никита Гречихин Марказий фронтдаги 61-армиянинг 356-ўқчи дивизияси, 1185-ўқчи рота взвод командирининг ёрдამчиси бўлган. Днепр учун бўлган жангларда

ўзини кўрсатган. Никита хизмат қилган 1185-полк Орлов вилояти худудида ҳужумга ўтган. Болхов шаҳри учун бўлган жангларда фашистлар танки пистирмага қўйилиб, қўшиннинг олдинга ўтиши учун ҳеч қандай имкон қолмаган. Старшина Гречихин фашистлар “зарба этказиб бўлмайдиган”, деб ҳисоблаган ўқ отиш нуқтасини йўқотишни ўзига мақсад қилиб қўяди. У билдирмасдан душман аскарларини айланиб ўтиб, танкини портлатишни удаалайди.

Мураново қишлоғини қўлга киритиш учун бўлган машаққатли жангда бир гуруҳ фашистлар чакалақор ва бутазорларда яшириниб, жангчиларни пулемёт ва автоматлардан ўққа тутишди. “Қария солдат” душман ортидан ўтиб, уларни қириб ташлайди. Украинанинг Чернигов область, Репкин райони, Любеч қишлоғи худудида Днепр яқинидаги жанглар вақтида разведка таркибида бўлган Никита 50 нафарга яқин фашистни қўлга олади. Бошқа бир қишлоқда тасодифан юз берган имкониятдан усталик билан фойдаланиб, ёвга қўққисидан ҳужум уюштиради. Душман солдатларидан 9 тасини йўқотиб, бир-икки нафарини асир олади.

Филоново қишлоғини эгаллаш учун бўлган жангларда старшина Гречихин жасур йигитлар гуруҳи билан душман ортидан ҳужум қилади. Гречихиннинг ўзи йигирмадан ортик фашистнинг ёстигини қурилади. 1943 йил 28 сентябрда “Қария солдат” ўз взводи билан 5 та балиқчилар қайғини излаб топади ва Днепр дарёсини кечиб ўтади. Кейин ғарбий қирғоқда душманга пулемётдан ўти очиб, батальонининг дарёдан кечиб ўтишига ёрдამ беради.

1943 йил 4 октябрда Брагинка дарёсини кечиб ўтган жангчилар Гомель область, Брагинск райони, Пирки қишлоғида душманини қуришова олиб, 37 нафар гитлерчи-

ни қириб ташлайди. Гуруҳнинг бу ҳаракати батальоннинг олға силжишига ёрдამ беради. 1943 йил 29 ноябрда полк Хойники районининг Туневшина, Глиница қишлоқларида мустаҳкам ўрнашган фашистлар позициясига эга бўлади. Гречихин хизмат қилган взвод бир неча марта шиддатли ҳужумга ўтиб, душман яширинган хандақларни эгаллайди ва ёвни чекинишга мажбур қилади.

Никита Гречихин 1943 йил 29 ноябрда Гомель вилоят, Хойники районидagi Богуславица қишлоғи учун бўлган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлади. У Туневшина қишлоғига, кейинчалик эса Хойники шаҳридаги қардошлар қабристонига қайта дафн этилган.

СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 15 январдаги фармонида асосан фашист босқинчиларига қарши курашда қўрсатган мардлиги, жасорати ва қаҳрамонлиги учун старшина Никита Гречихин ўлимидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган. Игрень шаҳридаги 109-ва Днепротетровск шаҳридаги бир мактабга Никита Гречихин номи берилган. Богуславица қишлоғининг номи ўзгартирилиб, ҳамюртимиз номини абадийлаштириш мақсадида зивуудинлик доворак қаҳрамон шарафига Гречихино дег аталган.

ТАКЛИФ

Ҳамюртимизнинг қаҳрамонона хизматларини улуғлаб, зивуудин шахарчасида у қадам бошлб юрган кўчалардан бирига, у яшаган маҳаллага Никита Гречихин номи берилса, янгидан ташкил этилган Ғалаба боғига ушбу мард ўғлоннинг бюсти ўрна-тилса, мақсадага мувофиқ бўларди.

Иснат САНАЕВ, фахрий журналист, шоир, ЎзХДП фаоли.

ЎЗБЕКISTON OVOZI



MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV. TAHRIR HAY'ATI: Ulug'bek INOYATOV, Qalandar ABDURAHMONOV, Hayotxon ORTIQBOYEVA, Ulug'bek VAFOYEV, Guliston ANNAQILICHEVA, Toshtemir XUDOYQULOV, Mahmud TOIR, Musilhidin MUHIDDINOV

Qabulxona — (71) 233-65-45. Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56. Reklama va e'lonlar uchun — (71) 233-47-80. E-mail: info@uzbekistonovozi.uz. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bostmaxonasida chop etiladi. Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. 7 — 441. 3018 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220. t — Tijorat materiallari O'za yakuni — Topshirilgan vaqti — 23:30. Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Toshtemir XUDOYQULOV. Sahifalovchi-dasturchi: Bekzod ABDUNAZAROV. ISSN 2010-7633. QR-kodini telefonningiz orkali skaner qiling.